Insonga naf keltirish — oliy baxt!

# Ishonch

Gazeta 1991-yil 21-martdan chiqa boshlagan

O‘zbekiston kasaba uyushmalari Federatsiyasining nashri ● 2015-yil 17-fevral, seshanba, № 23 (3528)


*Давлат манфаати эмас, аввало, инсон, унинг ҳаёти, ҳуқуқ ва эркинлиги энг юксак қадрият ва бойликдир.*

**Ислом КАРИМОВ**

## Сайлов – 2015

## ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ ФАРҒОНА ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

***Мамлакатимизда Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловига тайёргарлик жараёни давом этмоқда. “Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ, Марказий сайлов комиссиясининг Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги қарори асосида жойларда номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари бошланди.***

Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов 16 феврал куни Фарғона вилояти сайловчилари билан учрашди.

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 11-Фарғона округ сайлов комиссиясининг раиси Н.Собиров очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили М.Маҳкамов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳ.Кетмонов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда давлат ва жамият томонидан манзилли ижтимоий ҳимоя қилиш тизимини такомиллаштириш, кам таъминланган оилаларни ҳар томонлама қўллаб-қувватлаш самарадорлигини ошириш, ижтимоий таъминот тизимларини такомиллаштириш, аҳоли бандлигини таъминлаш орқали турмуш фаровонлигини юксалтириш каби йўналишларга алоҳида эътибор қаратилган.

Учрашувда Марғилон тиббиёт коллежи директори Ш.Эрматов, Фарғона нефтни қайта ишлаш заводи директори ўринбосари Ш.Нишонбоев, Ўзбекистон Халқ демократик партияси вилоят кенгаши раиси ўринбосари Д.Мамажонова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик асосида ўтаётгани мамлакатимизда демократия тамойилларига амал қилинаётгани, миллий сайлов тизими халқаро нормаларга тўла мос келишидан далолат эканини таъкидлади. Сайловчиларни 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**М.СУЛАЙМОНОВ,**
**ЎзА мухбири**

## ҲОТАМЖОН КЕТМОНОВНИНГ НАМАНГАН ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

***Жойларда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ана шундай тадбирлардан бири 16 феврал куни Наманган шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Халқ демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳотамжон Кетмонов наманганлик сайловчилар билан учрашди.***

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 6-Наманган округ сайлов комиссиясининг раиси Ғ.Ортиқов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили А.Қирғизбоев йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Ҳ.Кетмонов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда аҳоли бандлигини таъминлаш тизимини доимий равишда такомиллаштириш, аҳолига юқори сифатли ва мақбул тиббий ёрдамдан кенг фойдаланиш имкониятини таъминлаш, демократик ҳуқуқий давлат ва очиқ фуқаролик жамиятини шакллантириш борасидаги ва бошқа асосий вазифалар белгиланган.

Учрашувда “Наманган ҳақиқати” газетаси бош муҳаррири М.Парпиев, Ўзбекистон ХДП Уйчи тумани кенгаши раиси, халқ депутатлари Наманган вилояти Кенгаши депутати Р.Абдуллаев, “Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши раиси ўринбосари М.Убайдуллаев ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ҳамда муқобиллик асосида, халқаро демократик тамойилларга мос ўтаётганини таъкидлаб, Президентликка номзоднинг сайловолди дастури ва унда белгиланган устувор вазифалар хусусида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**А.САТТОРОВ,**
**ЎзА мухбири**

## АКМАЛ САИДОВНИНГ СУРХОНДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ана шундай учрашувлардан бири 16 феврал куни Термиз шаҳрида бўлиб ўтди. Унда Сурхондарё вилояти сайловчилари Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов билан учрашди.***

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 9-Сурхондарё округ сайлов комиссияси раиси А.Аҳмедов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, Термиз давлат университети профессори С.Турсунов иштирокчиларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Президентликка номзод А.Саидов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзоднинг сайловолди дастурида миллий тикланиш ғоясини амалга ошириш, миллий ўзликни англаш, тарихни ўрганиш масалаларига алоҳида эътибор қаратилган. Шу жумладан, дастурда мамлакатимизда замонавий ривожланган демократик жамиятни шакллантириш, Ўзбекистон тарихини чуқур ўрганиш ва уни кенг тарғиб қилиш, фуқароларнинг ҳуқуқий маданиятини ошириш, кучли миллий иқтисодиётни шакллантириш, соғлом ва баркамол авлодни вояга етказиш, соғлом ахборот маконини яратиш ҳамда халқаро муносабатларда мамлакатимиз миллий манфаатларини ҳимоя қилиш юзасидан бир қатор устувор вазифалар белгиланган.

“Камолот” ёшлар ижтимоий ҳаракати вилоят кенгаши қошидаги “Ёшлар маркази” масъул ходими Б.Каримов, вилоят халқ таълими ходимларини қайта тайёрлаш ва малакасини ошириш институти ўқитувчиси С.Тўраева ва бошқалар номзоднинг дастури ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**Х.МАМАТРАЙИМОВ,**
**ЎзА мухбири**

## АКМАЛ САИДОВНИНГ ҚАШҚАДАРЁ ВИЛОЯТИ САЙЛОВЧИЛАРИ БИЛАН УЧРАШУВИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов 16 феврал куни Қашқадарё вилояти сайловчилари билан учрашди.***

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 13-Қашқадарё округ сайлов комиссиясининг раиси И.Жўраев очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили, вилоят телерадиокомпанияси раиси У.Нусуров йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Акмал Саидов ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Номзоднинг дастурида ўзбек халқининг тарихий, маданий ва интеллектуал мероси, маданияти ва анъаналарини асраб-авайлаш ва бойитиш, унинг ютуқларини навқирон ва баркамол авлод орасида кенг тарғиб қилиш, мамлакатда ҳуқуқий таълим тизимини янада такомиллаштириш, миллий манфаатларимизни қатъий ҳимоя қилиш, Ўзбекистоннинг халқаро нуфузини янада мустаҳкамлашни таъминлаш муҳим вазифалар қаторида қайд этилган.

Учрашувда Қарши давлат университетининг профессори Н.Шодмонов ва бошқалар номзоднинг дастури ҳақида ўзларининг фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**Ў.БАРОТОВ,**
**ЎзА мухбири**

## НАРИМОН УМАРОВНИНГ ҚОРАҚАЛПОҒИСТОНЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

***Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 16 феврал куни Қорақалпоғистон Республикаси сайловчилари билан учрашди.***

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 1-Қорақалпоғистон округ сайлов комиссиясининг раиси К.Каримов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили Р.Матқурбонов йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Н.Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда мамлакатимизда инсон манфаатлари энг олий қадрият экани, адолат ҳаётимизнинг бош мезони, ҳар бир инсон учун адолат тамойилларини ҳаётимизга кенг жорий этиш энг асосий вазифа экани таъкидланган. Бу борада қонун устуворлигини таъминлаш, ёшидан, миллатидан, ижтимоий-иқтисодий аҳволи, келиб чиқишидан қатъи назар, барчага тенг имкониятлар яратиш, ижтимоий адолат тамойиллари, фуқаролар ҳуқуқлари, қонуний манфаат ва эркинликларини ҳимоя қилиш устувор йўналишлар эканига алоҳида эътибор қаратилган.

“Экосан” экология ва саломатлик халқаро хайрия жамғармаси Қорақалпоғистон Республикаси филиали директори Н.Мирзабуратов, Бердақ номидаги Қорақалпоқ давлат университетининг 3-курс талабаси, Зулфия номидаги Давлат мукофоти совриндори О.Ўразимбетова, Ажиниёз номидаги Нукус давлат педагогика институти ўқитувчиси У.Сейтжонова ва бошқалар Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови кўппартиявийлик ва муқобиллик асосида ўтаётгани мамлакатимизда ҳуқуқий давлат шаклланганини, сайлов тизимимиз умумэътироф этилган халқаро нормаларга тўла жавоб беришидан далолат эканини таъкидлади. Номзоднинг дастури хусусида фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни жорий йилнинг 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**А.ОРТИҚБОЕВ,**
**ЎзА мухбири**

## НАРИМОН УМАРОВНИНГ ХОРАЗМЛИК САЙЛОВЧИЛАР БИЛАН УЧРАШУВИ

***Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларнинг жойларда сайловчилар билан учрашувлари давом этмоқда. Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров 16 феврал куни Хоразм вилояти сайловчилари билан учрашди.***

Учрашувни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ўтказувчи 12-Хоразм округ сайлов комиссиясининг раиси А.Раҳимов очди. Президентликка номзоднинг ишончли вакили М.Қурбонбоев йиғилганларни номзоднинг таржимаи ҳоли билан таништирди.

Тадбирда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод Наримон Умаров ўз сайловолди дастури юзасидан нутқ сўзлади.

Дастурда жамиятда қонун устуворлиги ва ижтимоий адолат тамойилларини таъминлаш, қонунларнинг мукаммал, юқори сифатли ва барқарорлигига эришиш, уларни кундалик ҳаётга татбиқ этишнинг ишончли механизмларини яратиш, шунингдек, қонун ижодкорлиги жараёнида адолат ғоясини татбиқ этиш, илм-фанни ривожлантириш, фуқаролик жамияти институтларининг ролини ошириш ҳамда ташқи сиёсатда миллий манфаатлар устуворлигини таъминлаш каби муҳим вазифалар илгари сурилган. Айниқса, дастурда дунё сиёсий амалиётида кенг қўлланиладиган ва тан олинган социал-демократик ғоялар халқимизнинг менталитетига уйғун ҳолда ифода этилган.

“Адолат” СДП вилоят кенгаши раиси Н.Эшметов, Тошкент тиббиёт академияси Урганч филиалининг “Тиллар, педагогика ва психология” кафедраси доценти Д.Олимова ва бошқалар номзоднинг дастури ва ундаги вазифалар ҳақида ўз фикр-мулоҳазаларини билдирди. Сайловчиларни 2015 йил 29 март куни бўлиб ўтадиган Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловида фаол иштирок этишга чақирди.

**А.ШОКИРОВ,**
**ЎзА мухбири**

***Ўзбекистон Республикаси Марказий сайлов комиссиясининг навбатдаги мажлиси бўлиб ўтди. Унда Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисидаги масала кўриб чиқилди.***
***Марказий сайлов комиссияси сиёсий партиялар томонидан тақдим этилган ҳужжатларни кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодларни рўйхатга олиш тўғрисида қарорлар қабул қилди.***

## ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ПРЕЗИДЕНТЛИГИГА НОМЗОДЛАР РЎЙХАТГА ОЛИНДИ

Ўзбекистон Халқ демократик партиясидан Ҳотамжон Абдураҳмонович Кетмонов, Ўзбекистон “Миллий тикланиш” демократик партиясидан Акмал Холматович Саидов, Тадбиркорлар ва ишбилармонлар ҳаракати — Ўзбекистон Либерал-демократик партиясидан Ислом Абдуғаниевич Каримов, Ўзбекистон “Адолат” социал-демократик партиясидан Наримон Мажитович Умаров Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзод этиб рўйхатга олинди.

“Ўзбекистон Республикаси Президенти сайлови тўғрисида”ги қонуннинг 28-моддасига мувофиқ Ўзбекистон Республикаси Президентлигига номзодлар Марказий сайлов комиссияси томонидан рўйхатга олинган кундан эътиборан уларнинг сайловолди ташвиқоти бошланади. Шу муносабат билан мажлисда сайловолди ташвиқоти тўғрисидаги масала кўриб чиқилиб, тегишли қарор қабул қилинди.

* * *

Шу куни Ўзбекистон Республикаси Президенти сайловини ёритиш бўйича Республика матбуот марказида мамлакатимиз ва хорижий оммавий ахборот воситалари вакиллари учун брифинг ўтказилди.

►2

## ИСТИҚБОЛЛИ ЛОЙИҲАЛАР САМАРАСИ



***Мамлакатимизда ишлаб чиқариш субъектларига берилаётган имконият ва яратилаётган имтиёзлар ички бозорни сифатли маҳсулотлар билан тўлдиришга хизмат қилмоқда. Импорт ўрнини босадиган рақобатбардош маҳсулотлар ишлаб чиқаришни рағбатлантириш, ички тармоқ ва тармоқлараро, корхоналар ўртасида кооперацияни мустаҳкамлаш борасидаги ишлар ўзининг амалий самараларини бераётир.***

Тошлоқ туманидаги “Стапласт” масъулияти чекланган жамияти вилоятда уй-рўзғор буюмлари ишлаб чиқаришга ихтисослашган етакчи корхоналардан биридир. Бу ерда пластмассадан тайёрланаётган қулай ва сифатли буюмлар уй бекаларининг оғирини енгил қилибгина қолмасдан, мамлакатимиз саноати салоҳиятини намоён этувчи рақобатбардош маҳсулотлар сифатида барча талабларга жавоб беради.

— Иш бошлаганимизда бор-йўғи тўрт-беш турдаги маҳсулот ишлаб чиқарган бўлсак, ҳозир уларнинг тури юздан ошди, — дейди жамият раҳбари Султонбек Собиров. — Маҳсулотларимизга ички ва ташқи бозорда буюртмачилар тобора кўпаймоқда.

Жамиятда ўтган йили тўрт миллиард сўмликдан ортиқ маҳсулот ишлаб чиқарилди. Қўшимча равишда пластмасса маҳсулотлари учун ишлатиладиган бўёқ маҳсулотлари тайёрлайдиган янги тармоқ ишга туширилди. Натижада, яна 60 нафар йигит-қиз доимий иш билан таъминланди.

Тўлиқ маҳаллий хом ашё асосида фаолият кўрсатаётган корхонада тайёрланаётган маҳсулотлар экспорти ҳажми йилдан-йилга ортмоқда.

**ЎзА.**

***Суратда:*** *ишчилар Шоҳжаҳон Рустамов ва Абдуманноп Абдукаримов.*

**ЎзА фотомухбири Муқимжон ҚОДИРОВ олган сурат**

## Заҳириддин Муҳаммад Бобур таваллудининг 532 йиллиги

***Президентимиз Ислом Каримов раҳнамолигида маънавиятни юксалтириш йўлида амалга оширилаётган улкан ишлар силсиласида буюк шоир, олим, давлат ва жамоат арбоби Заҳириддин Муҳаммад Бобур шахси, бетакрор ижоди қадр ва эъзоз топмоқда.***

## БОБУР ИЖОДИГА БАҒИШЛАНДИ

Ўзбек Миллий академик драма театрида 14 феврал куни Бобур таваллудининг 532 йиллигига бағишлаб ўтказилган «Нафосат гулшани» номли адабий-бадиий кеча ёш авлодни улуғ бобомизнинг эзгу тушунчалар теран мушоҳада этилган бебаҳо асарларидан баҳраманд этиш, шу орқали уларнинг тафаккур ва маънавияти, бадиий-эстетик маданиятини юксалтиришга қаратилгани билан аҳамиятлидир.

Ўзбекистон Республикаси Маданият ва спорт ишлари вазирлиги, Ёзувчилар уюшмаси, Республика Маънавият тарғибот маркази, «Камолот» ёшлар ижтимоий ҳаракати ҳамкорлигида ташкил этилган тадбирда давлат ва жамоат ташкилотлари вакиллари, ёзувчи ва шоирлар, адабиётшунос олимлар, маданият ва санъат намояндалари, адабиёт ихлосмандлари, иқтидорли ёшлар иштирок этди.

►4

